

## **МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА ЯРАШТИРУВ ИНСТИТУТЛАРИ ТАРИХИДАН**

**Моҳира Холиқова,**  
“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти  
катта илмий ходими,  
фалсафа доктори, доцент

**Агар қилча низо бўлса одамда,  
Йўқолур осойиш, тартиб оламда.  
Юз хумда тиниқ сут бўлса, барини —  
Ачитар ним томчи сирка бир дамда.**

Мирзо Бедил

**Бир кун уруш бўлган уйдан  
Қирқ кун барака кўтарилар.**

**Бирлашган — ўзар,  
Бирлашмаган — тўзар.**

**Оз ошим — ғавғосиз бошим.**

**Тинчлик билан эл кўкарар,  
Ёмғир билан — ер.**

Халқ мақоллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармонида маҳалла ва оила тизими олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида *оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташиқил этиш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш* кабилар белгиланган.

Хусусан, Фармон билан тасдиқланган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича “Йўл

харитаси”нинг 21-бандида “*оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, судгача оилавий низоларни олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш*” кўрсатилган [1].

Бундан маълум бўладики, маҳалла ва оила тизими олдида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминловчи демократик тамойилларни, фуқаролик ва оила ҳуқуқи соҳасида низоларни ҳал қилиш усулларини тизим амалиётига жорий қилиш долзарблик касб этади.

Айтиш керакки, «низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари» (**Alternative dispute resolution, ADR**) умумий тушунча бўлиб, у анъанавий (суд) амалиётидан ташқари кўпгина формал ва ноформал усулларга нисбатан ишлатилади.

Замонавий жамиятларда ижтимоий, иқтисодий, шахслараро муносабатларнинг ривожига хизмат қиладиган ва ижтимоий тизимнинг барча шаклларида - оила, иқтисодиёт, меҳнат бозори, давлат маъмурий амалиётида кенг қўлланиладиган, ҳаётдаги турли хил низоларни тинчлик, музокара ва муроса йўли билан ҳал этишнинг **илғор ва муқобил усули медиациядир.**




Медиация институтини соҳа амалиётига татбиқ этишда илғор хорижий тажриба аҳамиятга молик саналади.

Шу билан бирга, миллий қадриятларимиздаги яраштирув институтининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш муҳимдир.

Халқимизда азалдан ўзаро биродарлик, тинчлик-тотувликда яшашга интилиш, ўзгаларни ҳурмат қилиш, жамиятда ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, жамиятнинг бирлигини сақлаш муҳим аҳамият касб этган.

*Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилар; Тинчлик билан эл кўқарар, ёмғир билан — ер; Қирқдан қиргин ёмон; Кўшнинг тинч — сен тинч; Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер; Бир қарға билан қиш келмас; Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар; Бирликда барака бор; Бирликли уй — баракатли, говғали уй — ҳалокатли; Ёлғиз дарахт ўрмон бўлмас; Ҳар ким феълига яраша олар; Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас; Йўлдан чиқсанг чиқ, элдан чиқма; Кўкка боқма, кўнга боқ* каби халқ мақолларида халқимиз менталитетига хос бўлган тинчликсеварлик, сулҳпарварлик, муросакорлик, мурувватпешалик каби фазилатлар акс этган.



Эл осойишталигини таъминлаш, фуқарога ҳар томонлама ёрдам бериш, уларга жабр қилганга нисбатан чора қўллаш ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда адолатли бўлишга алоҳида эътибор қилинган.

Халқ анъаналари, кадриятлари, урф-одатларида турли ижтимоий низолар маҳалла, уруғ-аймоқлар, оиланинг катталари ва қариндошлар аралашуви билан, ислом арконлари, шариат, фикҳ тамойиллари асосида, қозилик институти ёрдамида ҳал этилган.

Ислом динида одамлар ўртасига нифоқ солиш, душманлик ва келишмовчилик уруғини сепиш, ўзгаларни камситиш, иззат-нафсига тегиш каттиқ қораланган, мусулмонларни бошқаларни ҳурмат қилишга, уларнинг обрўсини тўкмасликка, ҳис-туйғуларини таҳқирламасликка буюрилган.

Жамият аъзолари орасида адоват пайдо бўлиши оқибатида дўстлик ришталари узилади, ўртада низо, ихтилоф пайдо бўлади, ижтимоий алоқалар бузилади ҳамда жамият парокандаликка юз тутлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. умматларини гўзал хулқли бўлишга чақирганлар: **“Кимки қўли ва тили билан бошқаларга озор етказса, у биздан эмас”**. Шунингдек, **“Қиёмат кунида банданинг барча амаллари тарозига қўйилганда энг тош босадиган амал яхши хулқидир”**.

**Имом Ғаззолий “Ихё улум ад-дин” китобида шундай дейди: “Тортишаётганлар хатони аниқлаб, ҳақиқатга интилишлари лозим. Камчилик ёки хатолик ўзида намоён бўлиши, ёки у билан тортишаётганда кўринишидан кўрқмаслиги керак. Рақибини душман деб эмас, дўст сифатида кўриши керак. Агар у хатони очиб берса ва ҳақиқатни айтса, миннатдорчилик билдириши зарур”**. Буюк мутафаккир замонасининг урфларидан азият чекиб, ёзади: **“Замонамизда сўзлашув одобидан ҳеч нарсани билмайдиганларнинг кўпайиб кетгани ачинарлидир. Улар ўз қабих ниятларига етишиши йўлида турли усуллардан фойдаланади. Ниятлари - фақат золиб чиқиш, фахрланиш, мақтаниш, холос”**.

Араб қавмидан бир аёл мўминлар амири Умар р.а.га мурожаат қилиб, уни ҳақиқатпарвар бўлишга чорлади. Умар шу пайтда хутбада турган эди. У одамларга қарата шундай деди: **“Аёл тўғри гапирди, Умар хато қилди”**.

Ислом тамойилларида мулоқот одобида ўз фикрини баён қилаётган инсоннинг нуқтаи назарини оғир-босиқлик билан тинглаш, сўзини бўлмаслик, шахсиятига тегмаслик, мурувват, сабр-тоқат қилиш, муомалада кенгфёъл ва ҳақгўй бўлиш буюрилади, кибр, манманлик, бошқалардан устунликка интилиш тафовут, зиддият ва ихтилофларни келтириб чиқариши таъкидланади.

**Қози** (араб. – кесиш, ажратиш, ижро этувчи, ҳукм чиқарувчи) — мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида ҳукм чиқарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси. Дастлабки қозилар Муҳаммад пайғамбар, ундан кейин халифалар замонида тайинланган [5].

Қози лавозимини уламо табақасига мансуб, ўз обрўсига доғ туширмаган, ислом манбаларини мукамал билган, яққол жисмоний нуқсони бўлмаган соғлом инсон эгаллаши мумкин эди. Қозилар давлат ғазнасидан таъминлаб турилган. Қозилар асосан фақиҳлар орасидан чиққан.



Дастлаб қозилар фаолиятини масжид, мадраса ёки ўз уйларида олиб борган. Кейинчалик давлат томонидан махсус қозихоналар ташкил этилган.

Қозиларнинг хизмат вазифасига қуйидагилар кирган:

- ✓ ўз ҳудудидаги фуқаролик ва жиноий ишларни олиб бориш;
- ✓ жамоатчилик ахлоқи сақланишини назорат қилиш;
- ✓ одамлар ва мулкка васийликни тайинлаш;
- ✓ вақф мулкларини назорат қилиш;
- ✓ жамоат бинолари ва иншоотлар, кўча ва майдонларнинг ҳолатини кузатиб туриш;
- ✓ оила-никоҳ масалалари;
- ✓ мерос бўлинишини ва васиятга риоя қилинишини тақсимлаш;
- ✓ ҳукмлар тўғри бажарилиши ва тўғри жазо белгиланишини кузатиш;
- ✓ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини назорат қилиш;
- ✓ закот, садақа ва жамоат маблағларини тўғри йиғилиши ва тақсимланишини кузатиб бориш;
- ✓ зарбхона, байтулмолни назорат қилиш.

Миллий қадриятларда қозиларни тайинлашда қуйидаги қоидалар мавжуд бўлган: **“Қозида беш хислат бўлса, у мукамал бўлади: ўзидан олдингилар илмини ўрганиш, таъмадан сақланиш, томонларга нисбатан юмшоқлик, имомларга иқтидо қилиш ва аҳли илм билан маслаҳатлашиш”**.

**Буюк мутафаккир Алишер Навоий** “Маҳбуб ул-қулуб” рисоласидан ўрин олган “Қуззот зикрида” (“Қозилар ҳақида”) бобида қози шахсини қуйидагича таърифлайди: *“Қози ислом биносига аркондир ва мусулмонлар хайр ва шаррига нофизи фармондур”*. Яъни қози ислом биносининг таянчи ва мусулмонларнинг эзгу ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир.



Бинобарин, қози илмда камолот соҳиби бўлмоғи лозим.

Шу ўринда қозилик фаолиятидан лавҳа келтириш жоиз. *“Қози мулла Муҳаммад Мусо ибн мулла Қодирқул 1321 йил хижрий ва 1903 йил милодий 1 январиди заиф банда (каминаи камтарин) Аллоҳ таолога таваккул қилиб, Самарқанд уездиди халқ судьясига Ишим-Ақсақ волости Хўжа Исмоил қишлоғи фуқароси Норқулбой Тошмуродбой ўғли ҳозир бўлиб арз қилдиким, мазкур қишлоқ фуқароси Жабборқулбой Бўри Жебочи ўғли зиммасига олган, менинг 50 боғ беда ва 160 танга (бир саман от қиймати) қарзимни ноҳақлик қилиб бермаяпти. Арз қилувчи ўз ихтиёр ва розилиғи ила тубанда қўлларини қўюб, арзини хоҳиши қилди. Қози шу арзни тасдиқлади ва муҳрларини бости. Қарордан Норқулбой Тошмуродбой ўғлига кўчирма берилди. Даъвогарга 160 танга, 50 боғ беда ундирилди. Ушбуларнинг ростлигини Ишим-Ақсақ қозиси тасдиқлайман ва муҳр қўяман”*.

Ҳужжатнинг қарор қисмида муддаий (даъвогар) нинг аризаси, тарафлар (даъвогар ва жавобгар) нинг нуқтаи назари, муддаий алайни (жавобгар) нинг иқрори, гувоҳлар ва ҳукмга оид жараён тафсилотлари келтирилади [3].

**Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, қози ўз фаолиятида қуйидаги тамойилларга таянган:**



- ✓ Аллоҳга таваккул, яъни дунё ва охираш ишларида Аллоҳ таолодан сидқидилдан умид қилиш;
- ✓ Қуръон, сунна, саҳобаларнинг қарашлари ва урф асосида ҳукм чиқариш;
- ✓ томонларнинг нуқтаи назарини эшитиш;
- ✓ адолатни қарор топтириш;
- ✓ гувоҳларнинг кўрсатмасини эътиборга олиш;
- ✓ даъво юзасидан далиллар олиш.

Иш юзасидан гувоҳлик берган кимсанинг шахси аниқланган, ёлғончи риёкор, эътиқодда мустаҳкам бўлмаган кимсаларнинг кўрсатмалари инобатга олинмаган ҳамда улар гувоҳликка номуносиб топилган.

Миллий тарихимизга оид воситачиликнинг муҳим шаклларида бири бу совчилик институтидир.

Маълумки, никоҳ кишилик жамиятидаги энг муқаддас битим ҳисобланади. Эр-хотиннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила қуриш, наслнинг давомийлигини таъминлаш, ҳалол ва ҳаромни ажратиш, ёш авлод тарбияси каби муҳим масалалар никоҳга бориб тақалади. Ўзбек халқида **“Қудачилик - минг йилчилик”** деган мақол бор.

Совчилик никоҳ, бахтли ва фаровон оила сари илк қадамдир.

Совчиликнинг аҳамияти Қуръон ва ҳадисларда тилга олинган. Пайғамбаримиз *“Агар ҳузурингизга диёнати ва хулқи яхши бўлган киши (қизингизни сўраб) келса, бас, уни қизингизга уйлаб қўйинг. Агар бундай қилмайдиган бўлсангиз, ер юзиди фитна ва катта фасод юзага келади”*, дея марҳамат қиладилар (Имом Термизий ривояти).

Совчилик амалиётининг ўз тартиб-таомиллари бўлган:

- ✓ ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш;
- ✓ оила қураётган ёшларнинг бир-бирига яқин қариндош бўлмасликлари;
- ✓ бировнинг совчилиги устига совчи қўймаслик. *“Киши ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин ва биродарининг совчилиги устига совчилик қилмасин” (Бухорий ва Муслим ривояти);*
- ✓ совчи қўядиган ва совчи кутадиган оила ўғил-қизлари никоҳга тайёр эканлиги ҳақида бош қотириши;
- ✓ қариндошлар, яқинлар билан маслаҳатлашиш;
- ✓ хонадон эгалари совчи қўйишда мазкур оила ҳақида эринмасдан суриштириш;
- ✓ оилалар ҳақида сўралса, ҳақиқатни айтиш ва тўғри гувоҳлик бериш;
- ✓ гувоҳлик беришда адолатли бўлиш;
- ✓ қудалар тўй маросимларини ўз ҳолатларидан келиб чиқиб амалга ошириши;
- ✓ кибр, манманлик, обрўпарастликка йўл қўймаслик;
- ✓ томонлар бир-бирларига ён босиши, қўллаб-қувватлаши;
- ✓ тўйга ортиқча ташвиш-харажат қилмаслик;
- ✓ исрофгарчиликка йўл қўймаслик;
- ✓ қудалар бир-бири билан яхши муносабатда бўлиши, бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб туриши ва ҳ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ижтимоий низоларни ҳал этишнинг миллий-тарихий шакллари хос илғор тамойилларни соҳа амалиётига татбиқ этиш, миллий қадриятларда тараннум этилган адолат, ҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувлик, мурувват, биродарлик каби фазилатларни тарғиб қилиш жамият равнақи, маҳаллалар фаровонлиги, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-482-сон. 2018 йил 3 июль.
2. Альтернативные способы разрешения споров [Электронный ресурс]: научная статья (01.01.2008) // Штепан П. URL: <http://www.law.edu.ru/doc/document>.
3. Благовещенский В.П. Ишим-Аксацкая волость. Данные экономического исследования волости в 1893-94 г.г. – Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск 4. Самарканд, 1896.
4. Гарольд Абрамсон. Сопровождение сторон в процедуре медиации. М.: МЦУПК, 2013. — 560 с.
5. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qozi-uz/>